

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Шухрат Ғаниев бошчилигидаги делегация аъзолари Шерободда

Жорий йилнинг 6 апрель куни туман Маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Шухрат Ғаниев бошчилигидаги делегация аъзолари, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Муродов ва вилоят уруғчилик маркази директори, Т.Мамараимов ҳамда бир қатор қишлоқ хўжалиги олимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда туманлардаги қишлоқ хўжалиги ходимлари, пахтачилик ва ғаллачилик кластерлари шунингдек фермер хўжаликлари раҳбарлари қатнашишди. Ушбу семинардан асосий кўзланган мақсад қишлоқ-хўжалиги соҳасида яратилган инновацион технологиялар асосида ишларни тизимли ташкил этиш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдириб ўтилди.